

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

5 810300 - “СЕРВИС” таълим йўналиши тингловчилари учун

**“ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ СЕРВИС”
фанидан**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2009

«МАЪҚУЛЛАНГАН»
«Халқаро туризм» факультети
илмий кенгашида мушокама
=илинган ва маъ=уланган
Кегаш раиси _____ доц. Эштаев А. А.
« ____ » _____ 2009й.

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»
«Туризм сервис» кафедраси
мажлисида мушокама =илинган ва тавсия этилган
Кафедра мудир _____ доц.Хамидов.О.Х. (мажлисининг
_____ сонли баённомаси,
« ____ » _____ 2009 й.

Такризчилар:

И.ф.н. кат. ўқит. Хамидов О.Х.

«Папилон» тур. фирмаси директори И. Юсупов

Тузувчилар:

Абидова Д. И.

КИРИШ

Бугунги бозор муносабатлари шароитида туризм соҳаси иқтисодийнинг энг динамик соҳаларидан биридир. Шунинг учун ҳам, туризм йўналишида малака ошираётган тингловчилар ижтимоий-маданий сервис масалаларини ўрганиш ва билиш зарур.

Туризмда мотивациянинг энг кучли таъсирларидан бири бу туристнинг дунёнинг турли бурчакларини кўришга бўлган табиий интилишидир.

“Сервис” соҳаси йўналишидаги таълим олаётган талабалар учун «Ижтимоий-маданий сервис» фанидан маърузалар ўқитишдан мақсад республикамизда дам олиш индустриясида туристларга хизмат кўрсатиш усуллари билан таништириш Туризм ўзининг маданияти билан таништиришнинг энг қулай кўринишидир. Туризмнинг гуманитар мазмуни шахсни ривожланишига бўлган имкониятини, унинг ижодий потенциалини, билимлар даражасини кенгайтиришга қаратилган. Инсоннинг билимга бўлган интилиши унинг ажралмас фазилатидир. Дам олиш билан бирга бошқа халқ ҳаётини, тарихини ва маданиятини ўрганишда туризмнинг имконияти каттадир. Дунёни ўз кўзи билан кўриш, эшитиш, сезиш-туризмнинг муҳим типланиш функцияларидан бири ва у ўзида катта гуманитар имкониятини (потенциалини) акс этиради. Бошқа мамлакат маданияти ва урф-одатлари билан танишиш инсоният руҳий дунёсини бойитади.

Бу жараёнларнинг кўпи ижтимоий-маданият сервис (хизмати) курси маданий дастурларни ва хордиқ чиқаришни, хуллас биз сайр томоша индустрияси деб номланадиган тушунча билан боғлиқ бўлган саволларни кўриб чиқади.

Фаннинг ўқитиш вазифалари: талабаларга Ўзбекистон туризмида содир бўлаётган жараёнлар билан таништириш ва сервис хизматини йўлга

кўйиш ҳамда шу орқали бу соҳанинг самарадорлигини ошириш йўллари йўргатишдан иборат.

"Ижтимоий-маданий сервис" фани "Сервисда дизайн ва реклама", "Жойлаштирув индустриясида сервис", "Транспорт сервисини ташкил қилиш" "Ресторан сервисини ташкил қилиш" фанлари билан бирга ўрганилади.

"Ижтимоий-маданий сервис" фанини ўқитишда, тингловчилар томонидан фанни тўлиқ ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида мавзуларда кўрилатган масалаларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда илғор педагогик технологияларнинг ақлий ҳужум "кичик гуруҳлар", "Бумеранг" ва "Кластер" усулларидан фойдаланилади.

Бу усулларнинг натижавийлик даражасини ошириш учун ҳар бир мавзунини ёритишда компьютер, слайдлар, эшитиш (аудио) ва кўриш воситалари, мультимедиа воситалари ҳамда Интернет саҳифалари ва хизматларидан фойдаланиш тавсия этилади.

1- Мавзу. ХИЗМАТ КУРСАТИШ АНИМАЦИЯСИГА ТАЪРИФ.

Режа:

1. Туристларга хизмат кўрсатида-анимация асосий йўналишлардан бири сифатида.
2. Хорижий тур операторларнинг вакиллари.
3. Костюмлаштирилган турлар ва шаҳар марказидаги анимация.

Хизмат курсатиш менежментидаги асосий йўналишлардан бири анимация ҳисобланади, яни туристларнинг дам олиш ва хордик чиқариш дастурларини жонлантириш ҳисобланади. Туризмдаги бу қуриниш интерер ва сервис жихатидан бир-бирига тенг курортлар рақобати уртасида вужудга келди. «Хизмат курсатиш анимацияси» деган формула ишлаб чиқилди.

Анимация-бу буш вақтни утказиш учун мулжалланган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолиятидир.

Бу тадбирлар туристлар томонидан актив иштирок этишни кузда тутилади, уларни экспозицияларда (курғазмаларда) «жонлантирилган» тарихий персонажлар кутиб оладилар еки кечкурун меҳмонхонада туристларнинг бевосита актив иштирокида шоулар утказилади.

Анимацион дастурлар уз ичига спорт уйинлари ва мусобақаларини, рақс кечаларини, турли маданий-манавий машғулотлар ва х.з. ни киритади.

Туристтик индустриядаги анимациянинг йўналишларидан бири-бу шоу музейлардир, яни курғазмада тарихий даврни тирик экспонатлар катнашадилар. Мисол қилиб АКШнинг Плимут шаҳридаги зерикарли ва кам ташриф этиладиган биринчи инглиз пилигримлари музейи анимация туфайли бугунги кунда энг машхур миллий шоуларидан бирига айланди.

Швеция пойтахти Стокгольмда очик осмон остидаги «Скансен», музейи хам бутун дунегга машхурдир. Бу швед фолклор кишлоги булиб, у ерга Швециянинг барча минтақаларидан қадимги шаҳар ва кишлок уйлари